АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМОТИДА “ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ” ТУШУНЧАСИ

Н.З. Мирджамалова
ЎзДЖТСУ ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти.

https://doi.org/10.5281/zenodo.23940141

Аннотация. *В статье анализируется проблема концепции «социальное педагогическое образование» в учении педагогического образования Абдурауфа Фитрата.*

Ключевые слова: *педагогика, социальная, образование, смысл, знание, подходы, опыт.*

Долзарблиги. Абдурауф Фитрат (1886-1938) ўзининг педагогик таълимотлари орқали ўз замоннинг ижтимоий ва маданий аҳамиятига эга бўлган масалаларни кўтарган.

Унинг педагогик таълимоти, айниқса, ижтимоий педагогик таълим тушунчаси, халқаро тажриба ва замонавий таълим системаларига мос келади. Фитрат ижтимоий педагогик таълимни инсоннинг ижтимоий ҳаёти, маънавий-ахлоқий ривожланиши, жамиятдаги ўрни ва ролини таништиришда муҳим восита деб билган.

Шунинг учун, унинг таълимотларини таҳлил қилиш ва уларни замон билан солиштириш долзарб. Ҳозирги замон ўзбек “Ижтимоий педагогика” фани ўзига хос бўлиб, унинг воситасида ижтимоий ҳаётнинг таълим ва тарбиясига оид муаммолари ҳал этилмоқда. Мамлакатимизда ижтимоий педагогик таълим, тарбия ва хизматни амалга оширувчи кадрлар тайёрланаётгани таҳсинга лойиқдир. Мазкур фаннинг тамойилларини яратишда бундан юз йил аввал Фитрат “Жадид педагогикаси”да биринчи бўлиб Европада таркиб топган “Ижтимоий педагогика” асосларини олиб кирган.

Мақсад ва вазифалар: Абдурауф Фитратнинг педагогик таълимотидаги "ижтимоий педагогик таълим" тушунчасининг мазмун ва аҳамиятини аниқлаш, унинг таълимотларидаги принципларни замонавий педагогика билан солиштириш.

Абдурауф Фитратнинг ижтимоий педагогик таълимга оид асосий фикрларини тадқиқ этиш."Ижтимоий педагогик таълим" тушунчасининг таълимдаги ўрни ва аҳамиятини тушунтириш. Унинг таълимотларидаги ижтимоий ахлоқ, маънавий қадриятларва шахснинг жамиятдаги роли каби муҳим йўналишларни кўриб чиқиш.

Фитрат атамаларида “ижтимоий”, “ижтимоий тузум”, “ижтимоий ҳаёт”, “ижтимоий хасталик” каби умумжамиятга оид тушунчалар мавжуд[1]. Шу жиҳатдан Фитрат “ижтимоий педагогик таълим” деганда ижтимоий муаммолар ҳал қилинадиган ҳамда тараққиётга олиб чиқадиган таълим ва тарбия жараёнини тушунади. Бундай ёндошув XX аср бошларидаги Юртимиз ҳаёти ва педагогик тизимимиз учун ноёб ҳодиса эди.

Маърифатпарвар педагог олим дастлабки икки илмий ва маърифий рисоласи “Мунозара” (1909 йили ёзилган) ҳамда “Ҳинд сайёҳи баёноти” (1912 йили ёзилган) асарларида XX аср бошларидаги Туркистоннинг ижтимоий ва педагогик ҳаётидаги муаммоларни батафсил таҳлил қилади. Бу асарларни у Туркия Республикасининг Истанбул шаҳрида ўқиб юрган кезларида 25-28 ёшлар оралиғида ёзган. Жумладан, у биринчи йирик рисоласи “Мунозара” асарида жадид ва қадим (янгилик ва эскилик тарафдорлари) учинчи кучлар томонидан бир-бирига душман қилиб қўйилганини таъкидлаб, дейди: “Муқаддас Ватанимизни парчалаб, уни аҳли жамоасини жадид ва қадим унвонлари остида икки фирқага ажратиб, уларнинг бирини иккинчисига душман қилиб қўйдилар”.

Чунки жадидчилар ижтимоий тараққиётга эришиш учун таълим тизимини ислоҳ қилиш керак, - деган фикрда бўлса, қадимчилар бундай ислоҳга шубҳа билан қарар эдилар. Бундан фойдаланган ҳукумат вакиллари ва Чор Россияси ҳизматчилари бу икки гуруҳ ўртасига низо солади, Фитрат жадидчилик вакили сифатида буни “Муқаддас Ватанни парчалаш” деб баҳолайди. Шу жиҳатдан унинг фикрича, мисол учун, “икки миллионли одам”га эга Бухоро амирлиги ижтимоий тараққиётга эришиш учун замонавий илм-фан кучига таяниши керак. Бу борада у ўз даври учун янги бўлган “Жуғрофия” (География), “Истатика” (Статистика) каби фанларнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтади.

Мазкур 1909 йили ёзилган “Мунозара” асарида биринчи Бухоро шаҳрида қадим (анъанавий) мактабларда шахс “етти йилдан то ўн йилгача ўқитилиши”, аммо таълим усули эскириб фақат ёдлашга таяниб қолганлигини танқид қилади.

Шундан сўнг дейдики: “Бу замон маданият замонидир. Маданият дегани муованат (ўзаро ёрдамлашиш – Ш.А.) демакдир... Иложингиз шуки, жадид мактабларини очингиз”.

Чунки педагогнинг фикрича, жадид мактаблари ҳаммани 3-4 йил ичида саводли қилади, чунки “Илм – мулк ва мамлакат ободлигининг сабабчисидир, илм – миллат тараққийсининг боисидир”. Шу сабабли Фитрат инсоннинг 37 йил умрини оладиган аъанавий (қадим) мактаб ва мадрасаларнинг эски ўқитиш услубини танқид қилади ва замонавий билим берадиган жадид мактаблари имкониятларини тавсифлаб кўрсатади.

Масалан, анъанавий мактабларда хотин-қизлар ўқитилмайди, педагог олимнинг фикрича эса, “Бизнинг биринчи тарбиямиз оналар тарафидандир, уларнинг ўзлари тарбия кўрмаган бўлсалар, биз ҳам уларнинг тарбиясидан ҳамиша ёмон ахлоқ эгаси бўламиз”. Шу тариқа Фитрат ижтимоий қатлам бўлган умумнинг саводхон бўлишини жадид мактабларида кўради. Унинг фикрига кўра, анъанавий “мактаб ва мадрасаларда ахлоқни вайрон қилувчи ошиқона байтлар ва инсжинсни (морфологияни – Ш.А.) таҳқиқ қилишдек пуч нарсалар билан кўмилган” машғулотлар ҳукмрон, бунинг акси булган жадид мактабларида эса “болалар уч йил мактабда ўқиб зарурий хат-саводни чиқаргач, (бошланғич синфлар – Ш.А.), кейин (юқори синфларда – Ш.А.) 2-3 тилларни ва диний масалаларнинг муқаддимаси, ҳукмлари ҳамда “Тарих”, “Ҳисоб” (Математика) илмларини яхши ўрганадилар”. Шу тариқа Фитрат ижтимоий таълимни янги усулдаги жадид мактабларида кўради ва бундай таълимни эгаллашда “География”, “Статистика”, “Тарих”, “Математика” каби фанларнинг аҳамиятини таъкидлайди. Бу билан педагог олим бундан юз йил муқаддам “Ижтимоий педагогика” фанимизга тамал тошини қўяди[2].

1910 йили Бухоро амирлигининг сўнгги амири Амир Олимхон (вафоти 1944 йил) тахтга ўтиради ва нисбатан маърифатли бўлган Насруллоҳ Парвоначини мамлакат Бош вазири этиб тайинлайди. Истанбулда таълим олаётган Фитрат ана шу Бош вазирга “Очиқ хат” ёзиб, Туркиянинг “Таърифи муслумин” (Мусулмонлар таърифлари) журналида нашр қилдиради. Мактубда “биз тартиботи жадидага муҳтожмиз” – янги тартибинтизомга заруриятимиз бор ғояси баён қилинган. Бундай янги ижтимоий тузумни барпо этиш учун маърифатпарвар педагог Бош вазирдан умид қилади: “Не монеълик борки, тартиботи жадида воситаси билан миллий саодатимизнинг янги ва истиқболли йўлларини очиб, қадримиз ва тақдиримзни аъло даражада шарафлай олмайсиз?!”.

Шу тариқа Фитрат янги ижтимоий тузумни таъсис этиш ва унда жадид таълим тизимига суяниш, бу билан ижимтоий тараққиётга эришиш ғояларини илгари суради.

Чунки унинг фикрича, XX аср I чорагида фақат жадид маърифатпарварлик ва педагогик ғоялари ижтимоий тараққиётга олиб чиқиши мумкин эди.

Мазкур мақсадидан келиб чиқиб 1912 йили ёзилган иккинчи йирик асари “Ҳинд сайёҳининг баёноти” маърифий рисоласида фикрларини янада чуқурлаштиради. Унинг ёзишича, XX аср бошларидаги Бухоро мамлакати аҳолисининг ижтимоий қатламини қуйидаги уч тофиа ташкил қилади:

1) уламо;
2) умаро;
3) фуқаро.

Бунда уламо тоифаси мактаб ва мадраса кўрган зиёлилардир, умаро бошқарув ходимлари ва фуқаро эса аҳолидир. Лекин, педагог олим зиёлиларни “ўқиганларини уқмаганлар”, бошқарув ходимларини “даҳшат тўла онгсиз жамоа” ва аҳолини эса “ўзларини билмайдиган бечоралар” деб танқид қилади. У биргина Бухоро шаҳрида 200 га яқин олий, ўрта ва қуйи босқичли мадрасалар борлиги ҳамда уларнинг молиявий таъминотини тавсифлаб кўрасатади. Бу мадрасалар орасида Дорушшифо номли тиббиёт ходимлари тайёрловчи олий мадраса ҳам бор. Лекин, бу таълим масканларининг ўқитиш методлари бутунлай яроқсиз аҳволда бўлиб, уларнинг битирувчилари малакали мутахассис бўлиб етишмайди. Бундан ташқари, биргина Бухоро шаҳрида 300 та қуйи мактаб ва қуйидаги 11 йирик кутубхона фаолият юритган:

Т/р	**Кутубхона номи**	**Йиллик вақфи**
1	Жаъфархўжа кутубхонаси	18000 танга
2	Говкушон кутубхонаси	5000 танга
3	Хожаниҳол кутубхонаси	8000 танга
4	Кўкалдош кутубхонаси	1000 танга
5	Абдулазизхон кутубхонаси	2000 танга
6	Мирзо Улуғбек кутубхонаси	800 танга
7	Бадалбек кутубхонаси	800 танга
8	Дорушшифо кутубхонаси	3000 танга
9	Гўсфанд бозори кутубхонаси	1500 танга
10	Болои ҳавз кутубхонаси	1600 танга
11	Жўйбор кутубхонаси	1400 танга

Бироқ, Фитратнинг фикрича, бундай улкан таълимий имконият ўз самарасини бермаяпти ва у бундай хулосага “неча ойлар давомида Бухоро шаҳри ва бухороликларнинг аҳволи-руҳиясини ўрганиш” натижасида келган. Шу сабабли у ёзади: а) “Тириклик учун барча зарур ашёларга эга бўлишга қарамай (Бухоро мамлакати – Ш.А.) ёқасини ажал панжасига топширган”. б) “Тўғри кутубхонамиз бор, бироқ китоб қани?

Ҳамма китобларни уламолар уйларига элтиб, ўз мулкларига айлантирганлар”. в) “Уч юзга яқин қуйи мактабларимиз бор, аммо буларнинг бари саводсиз муаллимларнинг разолатхонасига айланган”. Шу сабабли Фитрат ижтимоий тузум ва таълимни бутунлай ислоҳ қилиш керак, - деган фикрга келади: “**Агар ислоҳ қилсалар Бухоро аҳолиси жуда катта давлат ва бойлик эгаси бўлишлари мумкин**. Бунинг учун имкониятлар бор, шу сабабли педагог олим ўз замондошларига қарата дейди: “Ҳар бир миллат тараққийси учун асосий сабаб илмдир... Бугун илм олиш учун шаҳрингизда барча шартшароит муҳайёдир.

Бухоро аҳли илм таҳсилига муҳаббатлидир”. Фитрат шуни айтиш лозимки, “Сизнинг дарс бериш ва дарс олиш тартибларингиз ёмон, мадрасаларнинг вақфи эса ҳисобсиздир.

Ҳар иккисини ҳам тузатиш осон, бир одил ва ҳур фикрли Амир ҳамда тадбиркор ва Худодан қўрқувчи Вазир бўлса, бу ишларнинг ҳаммасини ислоҳ этса бўлур".

Шундай қилиб, Фитрат ёндошувида "ижтимоий педагогик таълим" тушунчаси – бу ўзига хос ижтимоий тузум ва муҳитда амалга ошириладиган ижтимоий муносабатларни таркиб топтириш жараёнидир. Мазкур масалани у 1914 йилнинг июль-август ойларида ёзилиб, 1915 йилда Россиянинг Петроград шаҳрида нашр этилган учинчи йирик асари "Раҳбари нажот" (Нажот йўли) рисоласида янада концептуал тарзда таҳлил қилади. У дейдики, "Бизнинг ота-боболаримиз ҳар бобда, айниқса, илм ва маърифатда олам аҳли учун ибрат ва намуна бўлганлар". Мана шундай ишонч билан 1914 йиллардаги Туркистонликларнинг ижтимоий аҳволи тўғрисида фикр юритади ва уларни икки тоифага бўлиб кўрсатади:

1)"миллат ва ватан учун қайғурган тоифа", яъни жадидлар;

2)"орқада қолганлар", яъни қадимчилар.

Ижтимоий инқироз сабабларини жадид маърифатпарварлари "илмсизлик ва танбалликда", анъанавий йўлни маъқул билувчи қадимчилар эса "Илоҳнинг хоҳишида" кўрадилар. Фитрат ижтимоий инқироздан қутулиш ва тараққиётга эришиш йўлини ўз эътиқодига кўра, жадид мактаблари имкониятларида кўради. Унга кўра, бу мактаблардаги таълим ва тарбия одамларни ўзгартириши керак. Чунки Қуръони каримнинг "Раъд" сураси 11-оятида нозил бўлганки, "Неъмат берилган қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Аллоҳ уларнинг ҳолини ўзгартирмайди!" [3]. Фитрат мана шу "ўзни ўзгартириш" ғоясини раҳбари нажот – нажот йўли деб билади. Чунки ўзини ўзгартирган ислом олами бир вақтлар "маданият Қуёшининг манбаи ва маърифат дарёсининг ибтидоси сифатида танилган эди; Форобийлар, Бухорийлар, Ибн Синолар ва Улуғбеклар мамлакатимизни жаҳон саҳнасига чиқарган эдилар". Аксинча, XX аср бошларидаги "бахтсизликларимизга сабаб – ёмон амалларимиздир". У давом этиб дейди: "Шариат манъ этган барча ишларни қиламиз ва шунинг учун ҳам ахлоқий разилликларга гирифтормиз".

Айни пайтда, Фитрат "ўзни ўзгартириш" ғоясига таяниб, ижтимоий инқироздан қутулиш йўлларини излайди. "Аллоҳ, - деб ёзади у, - берган неъматларининг энг буюги АҚЛдир, шу ақл одамларни махлуқлар орасида мукаррам ва мушарраф қилгандир".

Педагог олим инсоннинг ана шу Ақл туйғусини ривожлантириш ва унинг воситасида Ўзлигини англаш билан ижтимоий тараққиётга эришиш мумкин деб ҳисоблайди.

Хулоса. Абдурауф Фитратнинг ижтимоий педагогик таълимга оид таълимотлари жамият ва таълимнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Унинг фикрлари, жамиятни тартибга солиш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий ривожланишини таъминлаш ва ижтимоий муносабатларнинг таълимга таъсирига оид муҳим ёндашувларни ўзида мужассам этган.

Фитратнинг ижтимоий педагогик таълим ҳақидаги концепцияси, замонавий педагогикада ёшлар билан ишлашда, ижтимоий ахлоқ ва маънавий қадриятларни шакллантиришда муҳим хулосаларни яратган. Шундай қилиб Фитрат томонидан бундан юз йил муқадам "Ижтимоий педагогика" фанимизнинг асосий тушунчалари илмий, назарий ва методик жиҳатдан амалга киритилган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Фитрат А. "Таълим ва тарбият". — Тошкент, 2003.
2. Шерматов Ш. "Абдурауф Фитратнинг педагогик таълимоти". — Тошкент, 2011.

3. Аҳмадова Н. “Абдурауф Фитрат ва унинг ижтимоий педагогикаси”. — Тошкент, 2017.
4. Рахимов А. “Абдурауф Фитрат ва модерн педагогика”. — Тошкент, 2019.
5. Махмудов Р. “Ижтимоий педагогика ва унинг назарий асослари”. — Тошкент, 2020.
6. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд.-Т.: “Маънавият”.2000
7. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд.-Т.: “Маънавият”.2000
8. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 5-жилд.-Т.: “Маънавият”.2010